



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

АДИБ БОЛАЛИГИ ЁХУД ШАЙХЗОДА СИЙРАТИГА НАЗАР

Shermatov Dilyorjon Elyorjon o'g'li

TDTU talabasi

Annotation:

This article notes the childhood of Maqsud Shaykhzoda, an Azerbaijani artist, who has a special place in Uzbek literature, not only as a poet, but also as a strong playwright, literary scholar and educator. It is about the artist's love of literature, his first poem and his student years. His pedagogical activity, modern works, the artist's attitude to the time are reflected.

Keywords: Creator, work, poetry, pedagogy, nation, poetry, era requirement, outlook, Uzbek literature, political and social activity

Аннотация:

Ушбу мақолада озарбойжонлик иждокор, ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга, нафақатшоир, балки кучли драматург, адабиётшунос олим, педагог Мақсуд Шайхзоданинг болалиги хақида қайдларкелтирилади. Иждокорнинг адабиётга муҳаббати, илк шеъри ва талабалик йиллари тўғрисида сўз боради. Педагогик фаолияти, замона зайли боис яратилган асарлари, иждокорнинг даврга муносабати акс эттирилади.

Калит сўзлар: Иждокор, асар, шеърият, педагогика, миллат, сийрат, давр тақозоси, дунёқараш, ўзбек адабиёти, сиёсий-ижтимоий фаолият



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

Ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутган, атоқли шоир, драматург, адабиётшунос олим, таржимон ва педагог Мақсуд Шайхзода асли озарбойжонлик бўлса-да, халқимизнинг суюкли фарзандига айланди. Йигирма ёшида Ўзбекистонга келиб, умрининг охирига қадар пойтахтда яшаб, ижод қилган мутафаккир ўзбек адабиётини сара асарлар билан бойитди. “Берлинда суд бўлғуси”, “Капитан Гастелло”, “Қуёш Шарқдан чиқади”, “Йўқ, мен ўлган эмасман”, «Ўн шеър», «Ундошларим», «Учинчи китоб», «Кураш нечун», «Жанг ва кўшиқ», «Кўнгил дейдики...» каби шеърлари ва шеърый тўпламлари ҳамда “Жалолиддин Мангуберди” тарихи драмаси, шулар жумласидандир. Шоир болалигига назар соладиган бўлсак, тақдир тақозоси билан ўзбек диёрига келиб қолган озарбойжонлик ёш йигит ўзбек тилини мукамал ўзлаштирди. Гарчи Ўзбекистонда ижодни бошлаган бўлса-да, Ганжа ўлкасига бўлган муҳаббати унинг соғинчи сатрларида акс этиб туради. Унинг “Тошкентнома” достонида озар юртига бўлган чексиз меҳри яққол акс этади. Шайхзоданинг болалиги ҳақида турлича талқинлар мавжуд бўлса-да, шоирнинг рус тилидаги “Менинг Таржимаи ҳолим” битигида келтирилишича, ижодкор 1908 йили Тбилиси шаҳрида туғилгани, отаси Маъсумбек фельдшерлик мактабини тугатиб, малакали шифокор бўлгани, безгак хасталигини даволашда аҳолига анчайин фойдаси теккани, Элликка яқинлашган кезларда Москвадаги университетнинг тиббиёт факультетини тамомлаб, Оғдошдаги шаҳар амбулаториясида бош шифокор бўлиб фаолият юритганини айтиб ўтади. Онаси Фотимахоним эса уезд комитетида хотин-қизлар бўлими мудири бўлиб ишлашини келтиради. Шоир илк саводни турк тилидаги шаҳар мактабида олади. Ўша пайтларда озарбойжон тили турк тили деб аталган.



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

Грузия пойтахтида таваллуд топган ижодкорнинг болалиги Озарбойжоннинг Огдош шахрида кечган. Шоир айрим сабабларга кўра, Огдошни туғилган ватани деб ҳисоблайди. Шайхзоданинг адабиётга бўлган меҳри хусусида тўхталадиган бўлсак, адабиётшунос Тўхтасин Жалолов Шайхзода билан қилган суҳбатлари асосида ёзган “Яшасин табассум” сарлавҳали мақоласида шоирнинг отаси Маъсумбек ўззамонасининг тараққийпарвар зиёлиси бўлиб, тиббиёт илмидан ташқари, санъат, адабиёт, тарих ва фалсафа илмлари билан қизиқиши, Маъсумбекнинг хонадони ўша замонда Огдош шахрининг маданий, адабий маркази бўлиб, шаҳарнинг энг илғор зиёлилари унинг уйига йиғилиб, санъат, адабиёт, сиёсат ва фалсафадан мунозаралар олиб боришларини келтиради. Пушкин ва Лермонтов, Шекспир ва Бальзак, Фирдавсий ва Хайём, Низомий ва Навоий асарлари адабий муҳитнинг асосий мавзуларидан бири бўлиши, шубҳасиздир. Бўлажак шоир шоҳ асарларнинг жозибали оҳанги ва сеҳридан баҳра олиб яшаганини қайд этади. “Рушдия” мактабининг аълочи ўқувчиларидан бири бўлган Шайхзода секин - аста шеърлар ҳам ёза бошлайди. 1920 йилда ижодкор ўқиган мактабга Наримон Наримонов исмли бир инқилобчи келади. Озарбайжонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши муносабати билан Огдошга таниқли инқилобчи Наримон Наримоновнинг ташрифини оғдошликлар катта шодиёна билан қарши олдилар. Айнан ўша куни Шайхзода муаллимларининг “буюртма”си билан ёзилган “Гирмизи аскар нағмаси” (“Қизил аскар қўшиғи”) деган шеърини болаларга хос кўтаринки руҳ билан ўқийди. 13 ёшли болакайнинг шеърдан таъсирланган инқилобчи уни кучоқлаб ўпади ва унинг шеърини Бокуда нашр этилган “Коммунист” газетасининг 1921 йил 12 декабрь сонидида чоп



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

эттиради. Илк матбуотда шеъри чиққан ижодкор янада руҳланиб ижодни давом эттиради. Наим Каримов келтиришича, 1925 йили Бокудаги ягона педагогика билим юрти – дорилмуаллиминни аъло баҳолар билан тугатган Мақсуд Озарбайжон Маориф халқ комиссарлигининг йўлланмаси билан Дарбанд шаҳрига йўл олади. Доғистон Каспий денгизи соҳилига жойлашган, Озарбайжонга шимол томондан чегарадош ўлка бўлиб, унинг Каспий денгизига туташ ерларини 1722 йилда Пётр 1 қўшинлари босиб олган эди. Гарчанд бу жойлар Ганжа шартномасига биноан 1735 йилда Эрон ихтиёрига берилган бўлса-да, 1813 йилда имзоланган Гулистон шартномасига кўра, Доғистон Россия тасарруфига ўтган. Бироқ эмин -эркин яшаш тарзига кўниккан ва озодликни ҳамма нарсадан афзал билувчи тоғли аҳоли узок йиллар мобайнида Ғози Муҳаммад, Ҳамзатбек ва Шомил сингари имомлар раҳбарлигида мустақиллик учун кураш олиб борган. 1920 йил мартида қизил армиянинг жанговар ҳаракати билан Доғистон узил-кесил большевиклар қўлига ўтди. 1921 йил 20 январда эса Бутунроссия Марказий Ижроия Комитетининг қарори билан Доғистон Россия федерацияси таркибидаги автоном республика, деб эълон қилинди. Дорилмуаллиминни аъло баҳолар билан тугатган Шайхзоданинг ана шу автоном республикага ишга юборилиши тасодифий эмас. Милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг охирларида Доғистон аҳолиси Озарбайжон ҳудудида вужудга келган йирик давлат – КавказАлбанияси фуқаролигига ўтган. Мақсуд Шайхзода Дарбанд шаҳридаги мактаблардан бирида турк тили ва адабиётидан ўқувчиларга сабоқ беради. Муаллимликдан ташқари, ижодкор Бўйноқда нашр қилинган “Маориф йўли”, Бокуда чиқарилган “Коммунист” газеталари билан алоқа ўрнатиб, шу



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

нашрларга хабар, шеър ва мақолалар ҳам юбориб туради. Мақсуднинг қизгин педагогик ва ижодий фаолияти Дарбандда бошланган бўлса-да, биз унинг бир ўқув йили мобайнида таълим ва тарбия жабҳасида олиб борган ишлари тўғрисида бирор тасаввурга эга эмасмиз. Шоир муайян сиёсий мақсад билан ёзилган ва юқорида бир неча бор лавҳалари келтирилган таржимаи ҳолида фақат бир нарсани – ёшлар ҳаракатида фаоллик кўрсатганини айтган, холос. Аммо шу таржимаи ҳолдаги бошқа мулоҳазалари унинг Доғистонда, шу жумладан, Дарбандда жиддий сиёсий-ижтимоий фаолият билан ҳам шуғулланганидан шаҳодат беради. Шайхзоданинг қайд этишича, ўша вақтлар Доғистонда тил муаммоси чирсиллаб турар, республиканинг кўп тиллилиги пировардида тилсизликка, яъни ягона ёки кенг тарқалган, Доғистон учун умумий бўлган тилнинг бўлмаслигига олиб келиши мумкин эди. Шу масалада қизгин баҳс - тортишувлар бўлиб ўтарди.

Доғистондаги ўқитувчиларнинг аксарияти қатори Шайхзода ҳам турк тилининг тарафдори эди. Тарафдорлар журнал мақолалари ва хусусий баҳс-мунозараларда Доғистон учун турк тилининг мақсадга мувофиқлигини исботлашга уринарди. Ҳаётининг аксар йиллари Тошкентда кечган Поша Ғаниевнинг Халил Рза билан қилган суҳбатидан маълум бўлишича, Шайхзода мазкур масала бўйича унга бундай сўзларни айтган: “Доғистонда кўп халқлар яшайди. Улар бир-бирларининг тилларига тушунмайдилар. Улар умумий алоқа воситаси сифатида турк тилидан, аниқроғи, кумик туркчасидан, ноғой туркчасидан фойдаланадилар. Кумик тили бизнинг озарбайжо тилимизга жуда яқин. Доғистон ва Озарбайжон халқларидаги дин бирлиги, одоб ва ахлоқ, турмуш, тарих ва маданиятдаги муштараклик,



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

яқинлик туфайли улар бир-бирлари билан ажралмасдирлар. Шунга кўра, “Доғистонда қайси тил давлат тили бўлиши мумкин?” деган муаммо ўртага ташланган чоғларда мен айтдимки, кумиклар ва ноғойларнинг турк тилларига давлат тили даражаси берилса, миллий сиёсатга тамомила мос бўлур эди”. Шу йўналишдаги баҳс ва мунозаралар қизғин тус олган бир замонда турк тили ва адабиётидан дарс берган ёш муаллим учун бошланғич мактаб синфлари торлик қила бошлади. Шайхзоданинг, айниқса, педагогика институтининг сиртки бўлимига ўқишга кириб, баъзан-баъзан Бокуга бориши ва у ердаги ижтимоий ҳаёт янгиликларидан воқиф бўлиши шоир сиёсий-ижтимоий қарашларининг изчил тус олишига сабаб бўлди. Хуллас, у 1925-1926 ўқув йилини тугатиши билан Доғистон автоном республикаси Маориф халқ комиссарлигига мурожаат этиб, Бўйноқ шаҳридаги таълим ва тарбия техникумига ўтказишларини сўради. 1926 - 1927 ўқув йилидан бошлаб мазкур билим юртида жамиятшунослик фанидан дарс бера бошлади. Айни пайтда талабалар учун драма тўғарагини ташкил этиб, ҳатто тўгарак томонидан саҳналаштирилган спектаклларга Бўйноқда жойлашган ҳарбий гарнизон аскарларини ҳам таклиф этади. Шоир сийратига назар соларканмиз, унинг фазилатлари, энг аввало, ҳаётдаги, воқеликдаги ва одамларимизнинг руҳий оламидаги ўзгаришлар, ҳолатларни ифодалашга қодир янги, бетакрор образларида намоён бўлди. Шоирнинг “Рақамлар” шеърида шундай сатрлар бор: “Мен на мунажжимман ва на ҳисобдон ва лекин кўраман сонлар мағзида осмонча маънолар, юртни ободон”... Бошқа шеърида кўлларда инсоннинг борлигини, унинг ички оламининг муҳрини кўради. Унингча, “ғоят шафқатли, ҳаётбахш кўллар” ҳам “аёвсиз, ёвуз, гўр каби совуқ, танбал”



E Conference World

International Conference on Interdisciplinary Studies and Scientific Research

Nottingham, UK

15th March, 2024

Website: <https://econferenceworld.org>

қўллар ҳам бор, қисқаси, ҳар бир қўл “юракнинг навкарларидир”, юрак ненибуюрса, қўл шуни ижро этади...

Умр бешафқат. Йиллар суронида тобланган ижодкор инсонларни бири-бирига оқибатли бўлишга чақиради.

Самимиятни қадрлайди. Унинг асарларидаги самимиятга йўғрилган қарашлар китобхонларни узоқ йиллардан бери адиб битиклари билан ҳамнафас бўлишга ундайди..

Адабиётлар:

1. Шайхзода М. Тошкентнома. 1958 й.
2. Шайхзода М. Чорак аср девони: Танланган асарлар. М. Шайхзода. - Тошкент: Ўзбекистон давлат бадий адабиёт нашриёти, 1958 й.
3. Шайхзода М. Дунё боқий: Шеърлар, дostonлар, драмалар / М. Шайхзода. - Тошкент: Ғафур Ғулом. 1988й.